



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil « 22 » январь

№ 32

Toshkent sh.

Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

“Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, шунингдек, ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг ва фитосанитар дала назорати тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 30 августдаги ПҚ–3249-сон қарори билан карантин остидаги маҳсулотларнинг намуналари тўлов асосида лаборатория экспертизасидан ўтказилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси:

карантин остидаги маҳсулотларнинг намуналарини лаборатория экспертизасидан ўтказиш учун қилинган ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб, хизматлар нархларини белгиласин ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда **2021 йил 1 мартга қадар** тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтариб олиб кирилган (реимпорт) карантин остидаги маҳсулотлар фитосанитария сертификати асосида карантин текширувидан ўтказилишини таъминласин;

аҳоли, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари орасида мунтазам равишда ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг ва фитосанитар дала назорати тартиби билан таништириш ва уларни тушунтириш юзасидан тизимли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғи И.К. Эргашев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “22” январдаги 32 - сон қарорига
1-илова

Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

мониторинг юритиш – ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш, кузатиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларнинг тарқалишини прогноз қилиш;

прогноз – ўсимликлар дунёсига зарар етказувчи зарарли организмларни (зараркунанда, касаллик қўзғатувчилар ва бегона ўтлар) пайдо бўлиши, тарқалиши, миқдори ва ривожланишини илмий асосланган ҳолда мутахассислар томонидан узоқ ва қисқа муддатли прогноз қилиш жараёни;

фитосанитар дала назорати – ўсимликларнинг ва ўсимлик маҳсулотининг фитосанитар тозалигини таъминлаш, уларда ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган жараён;

феромон тутқич – табиатда ҳашаротларнинг қишлашдан чиқишини, ривожланиш босқичининг бошланишини ва фенологиясини аниқлашда ҳамда уларга қарши курашишни тўғри ташкиллаштиришда фойдаланиладиган восита;

ўсимликлар карантини объекти – дунёда карантин аҳамиятига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлмаган ёки чекланган тарзда тарқалган зарарли организмлар;

ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати тизими – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари ҳамда Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсимликлар карантини соҳасидаги мониторинг ва фитосанитар дала назорати “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш доирасида ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш, кузатиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларнинг тарқалишини прогноз қилишнинг ягона тизимини юритади ва унга раҳбарлик қилишда ваколатли давлат органи ҳисобланади.

2-боб. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш тартиби

5. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари (кейинги ўринларда – ҳудудий инспекциялар) томонидан юритилади.

6. Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари ўсимликлар карантини соҳасида мониторингни юритиш доирасида ўсимликлар карантини объектларининг ўчоқларини аниқлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш йўлларини, тарқалган ҳудудларни ҳамда биоэкологик хусусиятларга таъсир кўрсатишига кўмаклашувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудига монеликсиз кириш ва бир кундан ошмаган ҳолда дастлабки ўрганишни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Бунда, мазкур ўрганиш жараёнида берилган хулосалардан келиб чиқиб, камчиликларнинг бартараф этилишини назорат қилиш юзасидан текшириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон Фармонида назарда тутилган тартибда Инспекция томонидан ваколатли органни фақат хабардор этиш тартибида амалга оширилади.

7. Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати томонидан ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг:

ўсимликлар карантини объектларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишига, тарқалишига ҳамда биоэкологик хусусиятларига таъсир кўрсатишига кўмаклашувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш;

Ўсимликлар карантини объектларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш йўллари ва тарқалган ҳудудлари ҳамда ўчоқларини аниқлаш;

фитосанитар хавфни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

Ўсимликлар карантини объектларини баҳолаш ва уларнинг тарқалишини прогноз қилиш;

Ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш;

зарарли организмлар ўсимликларга иқтисодий зарар етказишининг олдини олиш мақсадида юритилади.

8. Ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларнинг тарқалиши улар аниқланган ҳудудларга нисбатан баҳоланади.

9. Баҳолашда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

хўжаликдаги етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари турлари, кўп йиллик дарахтзорлар, яйлов, пичанзорлар, сув ости ва ер усти йўлларига қараб йўналишларини танлаш;

баҳолаш ўтказилаётган юридик ва жисмоний шахснинг манзили, эгалик шакли ва уларнинг ихтиёридаги мавжуд қишлоқ хўжалиги экин ерлари, кўп йиллик дарахтзорлар, яйлов, пичанзорлар, сув ости ва ер усти йўллари ҳамда у ерда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари тўғрисидаги маълумотларни олиш ва ўрганиш;

ўсимликларнинг зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш бўйича ўтказилган тадбирлар тўғрисида маълумотлар билан танишиш;

баҳолаш аниқ бўлиши учун маълумотда ўсимлик турини, миқдорини, ҳажмини, ўсимликлар карантинидаги ҳамда бошқа зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлар мавжудлигини ёки зарарланиш ҳолатини кўрсатиш.

Баҳолаш якунида тўпланган маълумотлар таҳлил қилиниб, ҳудудий инспекциялар томонидан карантин чораларини белгилаш ёки белгиламаслик бўйича хулоса қилинади.

10. Ўсимликлар карантини объектларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш йўллари ва тарқалган ҳудудлар ҳамда ўчоқларни аниқлашда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

ўсимликлар карантини чегара масканлари ва кўриқланадиган давлат чегараларига 3 км радиусда феромон тутқичлар қўйиб назорат олиб бориш;

импорт қилинган карантин остидаги маҳсулотларни бирламчи ва иккиламчи назоратдан ўтказиш;

карантин остидаги маҳсулотларни карантин лабораторияларида экспертизадан ўтказиш;

метеостанциялар маълумотларини олиш;

ўсимликлар карантини давлат инспекторларига бириктирилган ҳудудларидаги барча юридик ва жисмоний шахсларнинг экин майдонларида карантин объектларининг ривожланиши ҳамда тарқалиши бўйича мунтазам мониторинг юритиш;

ўсимликлар карантини давлат инспекторларига бириктирилган ҳудудларда ҳар йили ўсимликлар карантини объектлари миқдорининг ўзгариши ҳамда ушбу ҳудудларга мос равишда улардаги ўсимликлар карантини объектлари ривожланиши тўғрисидаги ҳисоботни юритиш;

аввал белгиланган йўналиш (маршрут) бўйича кузатиш ишларини олиб бориш.

11. Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош давлатлар билан чегара ҳудудларида, халқаро почтамоҳ ва аэропортларда, темир йўл станцияларида, дарё портларида ҳамда импорт юк келиб тушадиган масканларда 3 кмгача жойлашган ташкилотлар, шахсий томорқалар ва транспорт бирликларида ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг қуйидаги тартибда юритилади:

йил бошидан мазкур субъектларнинг рўйхати шакллантирилиб, мониторинг юритиш бўйича йиллик иш режалар тузилади;

назорат давомида карантиндаги ва бошқа хавфли объектлар аниқланган тақдирда, белгиланган зарарсизлантириш чоралари амалга оширилади, аниқланмаган тақдирда, универсал феромон тутқичлардан фойдаланилади;

ўсимликлар мавжуд бўлган майдонларда ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш бўйича экин майдонларнинг контурлари кесимида мониторинг юритилади;

ўсимликлар карантини давлат инспекторлари олиб борган дала мониторинги тўғрисида ҳисоботлар топширади;

ҳисоботлар асосида мониторинг натижалари таҳлил қилиниб, ҳудудлар зарарли организмлар миқдори кам бўлган ёки зарарли организмлардан холи бўлган ҳудудларга ажратилади.

12. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг очиқ ва ёпиқ майдонларда қуйидаги тартибда юритилади:

дала мониторингини юритиш учун йил бошида йиллик иш режалар тузилади;

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан ташкилотлар, шахсий томорқалар, очиқ ва ёпиқ иссиқхоналар, кластер, деҳқон ва фермер хўжаликлари далалари, ўрмон хўжалиги фонди ерларида, ободонлаштириш бошқармаси назоратидаги ерларда, уруғчилик хўжаликларида, нав синаш участкаларида, кўчатхоналарда, илмий-текшириш муассасаларида, савдо ва тайёрлов ташкилотларида зарарли организмларни аниқлаш бўйича мониторинг олиб борилади;

Ўсимликлар мавжуд бўлган майдонларда ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш бўйича хўжаликларнинг контурлари кесимида таҳлил юритилади;

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари олиб борилган дала мониторинги тўғрисида ҳисоботлар топширади;

ҳисоботлар асосида мониторинг натижалари таҳлил қилиниб, ҳудудлар фитосанитар тоза ва зарарли организмлар миқдори кам бўлган ёки зарарли организмлардан холи бўлган ҳудудларга ажратилади.

13. Ўсимлик маҳсулотлари қайта ишланадиган ва реализация қилинадиган жойлар ҳамда омборхоналар мониторинги қуйидаги тартибда юритилади:

Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш учун йил бошидан ташкилотлар рўйхати шакллантирилиб, йиллик иш режалар тузилади;

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан ўсимлик маҳсулотлари қайта ишланадиган ва реализация қилинадиган жойларда ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлар уларнинг биоэкологик хусусиятларидан келиб чиқиб аниқланади ва мониторинг юритилади, шунингдек ҳисоботлар топшириб борилади;

ҳисоботлар асосида мониторинг натижалари таҳлил қилиниб, ўсимлик маҳсулотлари қайта ишланадиган ва реализация қилинадиган жойлар фитосанитар тоза ва зарарли организмлар миқдори кам бўлган ёки зарарли организмлардан холи бўлган ҳудудларга ажратилади.

14. Ўсимликлар карантини ташқи мониторинги ўсимликлар карантини объектларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишига, тарқалишига ҳамда ўсимликлар карантини объектларига қарши курашишда лозим бўлган тегишли чора-тадбирларни ўз ичига олади ва улар қуйидагилардан иборат:

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан кўшни давлатлар билан чегара ҳудудларида, халқаро почтамт ва аэропортларда,

темир йўл станцияларида, дарё портларида ҳамда импорт юк келиб тушадиган масканларда 3 кмгача радиусда жойлашган ташкилотлар ва шахсий томорқаларда, кластер, дехқон ва фермер хўжаликлари далаларида, ўрмон хўжалиги фонди ерларида, уруғчилик хўжаликларида, нав синаш майдонларида, кўчатхоналарда, савдо ва тайёрлов ташкилотлари ҳудудларида ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхатидаги ўсимликлар карантини объектлари бўйича таҳлил олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар ҳудудлари фитосанитар ҳолати тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш;

экспортёр давлатнинг фитосанитар сертификатини таҳлил қилиш;

чет мамлакатлардан келтирилиб, республика ҳудудида экилган кўп йиллик экиш материалларининг фитосанитар ҳолати бўйича беш йилгача кузатув ишларини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган карантин остидаги маҳсулотларнинг фитосанитар ҳолатини ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан жойига бориб ўрганиб келганлиги тўғрисидаги ҳисоботлари асосида таҳлил қилиш;

импорт қилинаётган карантин остидаги маҳсулотларни Инспекция тизимидаги ўсимликлар карантини лабораториялари хулосалари асосида таҳлил қилиш.

Инспекция томонидан ушбу ташқи мониторинг натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўсимликлар карантини объектлари кириб келиши ва тарқалиш йўллари ҳамда уларга қарши курашиш чоратадбирлари белгилаб борилади.

15. Қишлоқ хўжалиги ўсимликлари, доривор ўсимликлар, дарахт ва буталар етиштириш, ўсимликларнинг янги навлари селекцияси билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар ўсимликлар карантини объектларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида экинлар ва дарахтларни тизимли равишда кузатиб боришни амалга ошириши, улар аниқланган тақдирда эса бу ҳақда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматини дарҳол хабардор қилиши, шунингдек аниқланган ўсимликлар карантини объектларини бартараф этиш бўйича чоралар кўриши шарт.

16. Илмий-текшириш муассасалари томонидан тегишли вазирлик, идора ва туман, вилоят, республика даражасидаги бошқа ташкилотлар

ходимлари билан келишилган ҳолда (прогноз гуруҳлари) ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлар, касалликлар ва бегона ўтларнинг тарқалиши бўйича прогноз тузилади.

Прогнозни ҳисобга олган ҳолда, келгусида бундай зарарли организмлар қай даражада тарқалишидан қатъи назар, уларга қарши профилактик ишловлар (уруғ ва экиш материалларини экишдан аввал дорилаш, дарахтларга ва дала чеккаларига эрта баҳорда ишлов бериш ва бошқалар) бериш режалаштирилади.

17. Ўсимликлар карантини объектлари аниқланган ҳолларда туман (шаҳар) ўсимликлар карантини давлат инспекторининг тақдимномасига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан фермер ва деҳқон хўжалиқларининг, ўрмон хўжалиқларининг ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкалари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портлари, шаҳарчалар, посёлкалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек уларга туташ ҳудудлар ўсимликлар карантини остида деб эълон қилинади ёки уларда зарур карантин чекловлари ўрнатилади.

Туманлар ва шаҳарларни ўсимликлар карантини остида деб эълон қилиш ёки карантин чекловларини ўрнатиш тегишли ўсимликлар карантини бош давлат инспекторларининг тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳудудларини ўсимликлар карантини остида деб эълон қилиш ёки карантин чекловини ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ўсимликлар карантини остида деб эълон қилинган ҳудудда ўсимликлар карантини ўчоғининг тарқалишига йўл қўйилмайди, унга туташ ҳудудларда ўсимликлар карантини объектлари тарқалишининг олдини олишга ва уларни йўқ қилишга қаратилган ўсимликлар карантинига доир тадбирлар ўтказилади.

3-боб. Фитосанитар дала назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш

18. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

19. Фитосанитар дала назорати ўсимликларнинг ва ўсимлик маҳсулотининг фитосанитар тозалигини таъминлаш, уларда ўсимликлар

карантини объектларининг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

20. Мониторинг натижалари асосида чораклик режалар тузилади ва ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан фитосанитар дала назорати амалга оширилади.

21. Ўзбекистон Республикаси учун ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларни дала назоратида аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирилаётган майдонлардаги тупроқда зарарли организмларни аниқлашда зарарли организм ривожланишидан ва тупроқда учратилишидан келиб чиқиб, тупроқнинг турли чуқурликларидан намуналар олинади ва дала шароитида энтомологик элак, қисқич, лупа, бинокуляр ва бошқа анжомлар орқали кузатиш усули билан назоратдан ўтказилади ёки тупроқни энтомологик экспертизадан ўтказиш мақсадида ўсимликлар карантини лабораторияларига юборилади;

ўсимликларни сақлаш, реализация қилиш жойларида ва вегетация даврига қараб ўсув (вегетатив) нуқтаси, илдизи, пояси, гули, меваси ҳамда уруғида зарарли организмларни аниқлашда лупа, махсус қайчи, пичоқ, қисқич, ҳашарот солғич ва бошқа анжомлар орқали кузатиш усули билан назоратдан ўтказилади;

карантин остидаги маҳсулотларда флотацион (дондаги зараркунандаларни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган усул) ва бошқа усуллар орқали дон, дуккакли экин ва бошқаларда яширин зарарланганликни аниқлашда намуналарни тузли сувга солиб, натижада юзага қалқиб чиққан зарарланган донларни ажратиб олиш ва улардан зараркунандалар турини аниқлаш амалга оширилади;

ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарда, омборхоналарда, реализация қилиш жойларида, очиқ ва ёпиқ турдаги далаларда феромон ва бошқа турдаги ҳашарот тутқичлардан фойдаланиб зарарли организмларнинг ўчоқлари аниқланади.

22. Ўсимликларнинг карантинидаги бегона ўтларни ва уларнинг уруғларини аниқлаш қуйидагича амалга оширилади:

ўсимликлар карантинидаги бегона ўтларни морфологик белгиларидан келиб чиқиб, кузатиш усули билан турлари аниқланади;

ўсимликлар карантинидаги бегона ўтларнинг уруғларини ажратиб-кузатиш ва таққослаш усули орқали уруғлар қисмларга ажратишиб, текшириладиган махсус юзали мосламада бир текис ёйилади ва турли хил

ўлчамдаги элаклар, бинокуляр микроскоп, лупа ва бошқа анжомлар ёрдамида бегона ўт уруғлари ажратиб олиниб, турларга бўлинади;

фитосанитар дала назорати даврида аниқлаш имкони бўлмаган ўсимликлар карантинидаги бегона ўтлар ва уларнинг уруғларини турига аниқлик киритиш мақсадида ўсимликлар карантини лабораторияларига юборилади.

23. Ўсимликлар карантини давлат инспектори ўз фаолиятининг қонунийлиги, холислиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тўғри ташкил қилиниши ҳамда амалга оширилиши учун жавоб беради.

24. Фитосанитар дала назорати амалга оширилишига ёки уни амалга оширувчи ўсимликлар карантини давлат инспекторига ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш, унинг фаолиятига тўсқинлик қилиш тақиқланади.

25. Қонуний талабларни бажармаганликда, ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан хизмат мажбуриятлари бажарилишига тўсқинлик қилувчи айбдор шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

26. Фитосанитар дала назорати олиб борилаётганда, ўсимликлар карантини давлат инспектори қуйидаги ваколатларга эга:

а) карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудига монеликсиз кириш;

б) карантин лаборатория текширувлари ва тегишли экспертиза ўтказиш учун карантин остидаги маҳсулотдан юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг вакиллари иштирокида намуналар олиш;

в) ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талабларининг бузилиши ҳолатларини уч кунлик муддатда бартараф қилиш бўйича юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан далолатнома расмийлаштириш;

г) ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талабларини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги материалларни судларга юбориш;

д) қуйидагиларни:

лаборатория тадқиқотлари ва таҳлиллари учун зарур бўлган намуна ва нусхаларни олиш далолатномаларини;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўсимликлар карантини бўйича қонун ҳужжатлари талабларига амал қилиниши, давлат дастурлари ва бошқа фитосанитар дастурларининг амалга оширилиши бўйича ўтказилган текшириш натижаларига кўра далолатномалар ёки маълумотномалар;

Ўз ваколатларига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар тузиш.

Фитосанитар дала назорати ўтказилганидан кейин далолатнома тузилади ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар белгиланади.

27. Карантин лаборатория текширувлари ва тегишли экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатлар юридик ва жисмоний шахслар ҳисобидан қопланади.

28. Ўсимликлар карантини давлат инспектори:

текшириладиган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш ҳуқуқи учун зарур бўлган ҳужжатларни кўрсатишга;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмасликка;

давлат сирлари, тижорат сирлари ва бошқа сирларни ошкор қилмасликка;

текширишлар натижасини далолатнома билан расмийлаштиришга, унинг бир нусхаси текшириш тамом бўлган кунда текширилган хўжалик юритувчи субъектда қолдиришга;

ўсимликлар карантини давлат инспекторлари фарқлаш белгили формали кийим-бошларини иш фаолияти давомида мавсумий кийишга мажбурдир.

29. Ўсимликлар карантини объектлари фитосанитар дала назорати вақтида, шунингдек, ўсимликлар маҳсулотлари қайта ишланадиган ва реализация қилинадиган жойлар ҳамда омборхоналарда мониторинг ўтказилиши давомида аниқланади.

**4-боб. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг
ва фитосанитар дала назорати натижаларини расмийлаштириш
ҳамда амалга ошириш**

30. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг ва фитосанитар дала назорати натижалари бўйича бир кун ичида далолатнома тузилади ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар белгиланади.

Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг ва фитосанитар дала назорати натижалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

31. Ўсимликлар карантини мониторинги натижаларига кўра, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши

мажбурий бўлган кўрсатмалар ижроси юзасидан мунтазам назорат ўрнатилади.

32. Ўрнатилган карантин чекловлари Инспекция ва унинг ҳудудий инспекциялари томонидан назоратга олинади.

Ўрнатилган карантин чекловлари юзасидан жамоатчилик назорати талаб этилган тақдирда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар жалб этилиши мумкин.


5-боб. Яқунловчи қоида

33. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга илова

Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари	Ўсимликлар карантини соҳасида (ўсимликлар карантини объектлари ёки экспортга салбий таъсир этувчи зарарли организмлар ўчоқларини аниқлаш, уларнинг республика худудига кириб келиш йўллари ва тарқалган худудларни аниқлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш) мониторинг юритади.	Мунтазам
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари	Мониторинг натижалари асосида инспекция томонидан тасдиқланадиган чораклик режалар тузади.	Ҳар чоракда
3-босқич	Ўсимликлар карантини давлат инспектори	Чораклик режалар асосида фитосанитар дала назоратини куйидаги тартибда амалга оширади: 1) Ўзбекистон Республикаси учун ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларни дала назоратида аниқлайди; 2) ўсимликларнинг карантинидаги бегона ўтларни ва уларнинг уруғларини аниқлайди.	Чораклик режаларда белгиланган муддатларда
4-босқич	Ўсимликлар карантини давлат инспектори	Фитосанитар дала назорати натижалари бўйича далолатнома тузади ва амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни белгилайди.	Фитосанитар дала назорати амалга оширилгандан кейин бир кун ичида



Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “ 22” январдаги 32-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ва ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 29 январдаги 65-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 1-сон, 22-модда):

а) 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низом)да:

18-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар туширишга қадар биринчи марта (бирламчи) карантин кўригидан ўтказилади”;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

“Транспорт воситалари ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан биринчи марта (бирламчи) карантин кўригини ўтказишда унинг ташқи қисми ва муҳрланмаган бошқа карантин назоратидаги маҳсулотлар олиб кириши мумкин бўлган жойлари карантин кўригидан ўтказилади.

Карантин остидаги маҳсулотнинг карантин текшируви ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан божхона назорати ҳудудида уларни тушириш ва божхона идентификация воситасини олиб ташлаш жойида ўрнатилган тартибда карантин кўриги ёки лаборатория текшируви ўтказиш учун карантин остидаги маҳсулотдан намуна олиш орқали амалга оширилади”;

қуйидаги мазмундаги 28¹-банд қўшилсин:

“Карантин лаборатория текширувлари ва тегишли экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатлар юридик ва жисмоний шахслар ҳисобидан қопланади”;

Низомга 2 ва 2а-иловаларнинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“ Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова

0000000 - СОНЛИ
ТРАНСПОРТ БИРЛИГИНИ ОЧИШ ТЎҒРИСИДАГИ ДАЛОЛАТНОМА
(карантин остидаги импорт маҳсулотлар учун)



(темир йўл станцияси, аэропорт, дарё порти, автомобиль йўллари ва бошқалар)

Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси

давлат инспектори _____
(Ф.И.О.)

(юк номи, миқдори ва ҳажми)

(вагон, контейнер ва бошқаларнинг рақами)

Экспорт қилаётган давлат номи: _____

Импорт қилувчи ташкилот номи ва манзили: _____

СТИР: _____

Карантин рухсатномаси берилган сана: “ ____ ” 20 ____ йил, № _____

Фитосанитария сертификати берилган сана: “ ____ ” 20 ____ йил, № _____



(давлат инспектори имзоси)

_____ (вакил имзоси)

“ ____ ” 20 ____ йил

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 2а-илова

0000000 - СОНЛИ
КАРАНТИН КЎРИГИ ДАЛОЛАТНОМАСИ



Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси

_____ (республика, вилоят, туман, шаҳар)

давлат инспектори _____ (Ф.И.О.) _____ томонидан

“ ____ ” 20 ____ йилда қуйидаги вакил иштирокида _____ (вакил Ф.И.О.)

(хорхона, ташкилот, фермер ҳўжалиги номи ёки фуқаро)

СТИР: _____

(юк номи, миқдори ва ҳажми)

Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликлар карантини тўғрисида” ги 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ-484-сон Қонунининг 29-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ва Ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 29 январдаги 65-сон қарорига асосан карантин кўригидан ўтказилди.

Давлат инспекторининг таклиф ва хулосаси: _____



Транспорт бирлигини очиш далолатномаси мавжуд бўлган ҳолда,
ушбу далолатнома ҳақиқий ҳисобланади

_____ (давлат инспектори имзоси)

б) 2-илова (Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рухсатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом)да:

3-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рухсатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎСИМЛИКЛАР
КАРАНТИНИ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ


“ЎЗДАВКАРАНТИН”



STATE PLANT-QUARANTINE
INSPECTION UNDER THE CABINET OF
MINISTERS OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN

“UZSTATEQUARANTINE”

КАРАНТИН РУХСАТНОМАСИ
КАРАНТИННОЕ РАЗРЕШЕНИЕ
QUARANTINE PERMIT

Ушбу карантин рухсатномаси берилди/ Карантинное разрешение выдано/ This quarantine license is given to:	Экспортёр давлат, худуд ва ташкилот номи /Наименование экспортирующей страны, региона и организации/Name of exporter country, region and organization:	№ Берилди /Выдано/ Issued Муддати:/ Срок до/ Valid
Маҳсулот ҳақида маълумот /Информация о продукции/Product information		
Маҳсулот номи, ТИФТН Коды, микдори ва ўлчов бирлиги /Наименование, код ТН ВЭД количество и ед-измер. продукции /Name, HS code, quantity and unit of the product ***** ***** ***** ***** ***** ***** ***** ***** ***** *****		Маҳсулот етиштирилган давлат ва худуд/ Страна и регион происхождения продукции/ Country and region of origin
Олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулотлар ушбу рухсатнома бўйича қуйидаги йўналишлар орқали ўтиши керак/Завозимая по настоящему разрешению подкарантинная продукция должна перевозиться по следующему маршруту:/The quarantine products imported in accordance with this License must be transported along the following route		
Олиб кириш йўналиши ва чегара маскани/Пограничный пост и маршрут ввоза/ border post and route of entry	ТИФ назорат маскани/ контрольный пункт ВЭД / FEA border control	Транспорт тури/Вид транспорта/Type of transport:
Рухсатнома “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан қуйидаги ариза бўйича берилган:/Разрешение выдано на основании Закона Республики Узбекистан «О карантине растений», по заявлению:/The permit was issued on the basis of the Law of the Republic of Uzbekistan “On Plant Quarantine”, upon application		
Дикқат!/Внимание!/Attention! Олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулотлар, транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган ўсимлик зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтлардан, шунингдек иловлага мувофиқ бошқа зарарли организмлардан холи бўлиши шарт /Ввозимая подкарантинная продукция, транспортные средства должны быть свободны от вредителей, болезней растений и сорняков, имеющие карантинное значение для Республики Узбекистан, в том числе от других вредных организмов согласно приложению/ Imported quarantine products and vehicles must be free from pests, plant diseases and weeds that have a quarantine significance for the Republic of Uzbekistan, including from other harmful organisms in accordance with the appendix		
Қўшимча маълумотлар/Дополнительная информация/Additional information		
		
Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси / Государственной инспекция по карантину растений/ State Plant Quarantine Inspection	Ф.И.О Имзо/Подпись/Signature	

Изоҳ:	Примечание:	Note:
<p>1. Карантин рухсатномаси карантин остидаги маҳсулотларнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилишига ёки ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтилишига рухсат берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва буюртмачига ҳамда тегишли ҳудудий ўсимликлар карантини давлат инспекциясига юборилади.</p> <p>2. Карантин рухсатномаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан олиб кирилаётган юлгарга Карантин кўриги далолатномаси расмийлаштирилгандан сўнг божхона ҳужжатларини расмийлаштиришга асос ҳисобланади.</p> <p>3. Экспорт қилувчи давлатнинг фитосанитар сертификатида қуйидагилар кўрсатилиши шарт:</p> <p>а) зарарсизлантириш усуллари; б) ўсимликлар карантини объектларининг йўқлиги.</p> <p>4. Транспорт воситаси ва карантин остидаги маҳсулотлар белгиланган жойга келтирилиши билан қуйидаги карантин тадбирлари ўтказилиши шарт:</p> <p>а) Давлат карантин инспектори томонидан кўриқдан ўтказилади; б) Лаборатория текшируви учун намуналар олиш; в) Лаборатория таҳлиллари натижасига кўра юкни чиқариб юбориш; г) Ўсимликлар карантини объектлари аниқланганда, юк зарарсизлантирилади, қайтарилади ёки йўқ қилинади</p> <p>5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш Сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш — базавий ҳисоблаш микдорининг эллик бараваридан юз бараваригача микдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</p> <p>6. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.</p> <p>7. Рухсатномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг</p>	<p>1. Карантинное разрешение является документом удостоверяющее разрешение на ввоз или транзит подкарантинной продукции на территорию Республики Узбекистан и направляется заказчику и причастной территориальной государственной инспекции по карантину растений.</p> <p>2. Карантинное разрешение при ввозе груза на территорию Республики Узбекистан является основанием для таможенного оформления груза после оформления акта карантинного досмотра.</p> <p>3. В фитосанитарном сертификате страны экспортера указать:</p> <p>а) методы обеззараживания б) отсутствие объектов карантина растений.</p> <p>4. По прибытию к месту назначения подкарантинной продукции и транспортных средств, должны быть проведены следующие карантинные мероприятия:</p> <p>а) досмотр Государственными инспекторами по карантину растений; б) отбор образцов и представление в карантинную лабораторию; в) выпуск груза после получения результатов экспертизы. г) при обнаружении объектов карантина растений груз подлежит обеззараживанию, возврату или уничтожению.</p> <p>5. Статья-228 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. Изготовление, подделка официального документа, предоставляющего право или освобождающего от обязанности, в целях его использования самим поддельвателем или другим лицом либо сбыт такого документа, изготовление поддельных штампов, печатей, бланков предприятий, учреждений, организаций в тех же целях либо их сбыт — наказывается штрафом от пятидесяти до ста базовых расчетных величин или обязательными общественными работами до трехсот шестидесяти часов либо исправительными работами до трех лет.</p> <p>6. В соответствии с Законом Республики Узбекистан “Об электронном документообороте” электронный документ приравнивается к документу на бумажном носителе и имеет одинаковую с ним юридическую силу.</p> <p>7. Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.</p>	<p>1. The Quarantine permit is a document certifying permission for the import of quarantine products into the territory of the Republic of Uzbekistan and is sent to the customer and territorial state plant quarantine inspection.</p> <p>2. Quarantine permit during the importation of goods into the territory of the Republic of Uzbekistan considered as the basis for customs clearance of goods after registration of the quarantine inspection act.</p> <p>3. The phytosanitary certificate of the exporting country should indicate:</p> <p>a) Disinfection methods b) Absence of quarantine pests</p> <p>4. Upon arrival at the destination, quarantine products and transport vehicles should be subject to the following quarantine measures:</p> <p>a) Inspection by inspectors of the State Plant Quarantine Inspection under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. b) Sampling and submission to the Central Quarantine Laboratory c) Release of consignment after receiving the results of laboratory analysis. d) Upon detection of quarantine pests, the consignment is subject to disinfection, return or destruction.</p> <p>5. Article 228 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. The falsification of an official document granting or exempting from a duty, for the purpose of its use by the forger or another person, or the sale of such a document, the manufacture of fake stamps, seals, letterheads of enterprises, institutions, organizations for the same purposes or their sale - shall be punishable by a fine from fifty to one hundred basic calculation units, or compulsory community service up to three hundred and sixty hours, or correctional labor up to three years.</p> <p>6. In accordance with the Law of the Republic of Uzbekistan “On electronic document management”, an electronic document is equivalent to a document on paper and has the same legal force.</p> <p>7. QR code can be scanned using mobile device to verify the authenticity of the information.</p>

**КАРАНТИН РУХСАТНОМАСИГА ИЛОВА
ПРИЛОЖЕНИЕ К КАРАНТИННОМУ РАЗРЕШЕНИЮ
ATTACHMENT SHEET FOR QUARANTINE PERMIT**

Қўшимча маълумотлар/Дополнительная информация/Additional information

QR Code	КАРАНТИН РУХСАТНОМАСИ КАРАНТИННОЕ РАЗРЕШЕНИЕ QUARANTINE PERMIT	№
		Берилди /Выдано/ Issued
		Муддати./ Срок до/ Valid until

”;

в) 3-илова (Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитар сертификатини бериш тартиби тўғрисида низом)да:

номидаги “фитосанитар сертификатини” сўзлари “фитосанитария сертификатларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банддаги “фитосанитар” сўздан кейин “реэкспорт фитосанитария ва ички фитосанитария сертификатларини” сўзлари қўшилсин;

2-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

“реэкспорт фитосанитар сертификати – республикага импорт қилингандан сўнг бошқа давлатга экспорт қилинадиган, шунингдек, республика ҳудудида сақланадиган, қисмларга бўлинадиган, бирлаштириладиган ва қайта қадоқланадиган карантин остидаги маҳсулотларнинг ўсимликлар карантини объектлари билан зарарланмаганлигини тасдиқловчи халқаро намунадаги ҳужжат;

ички фитосанитария сертификати – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юклаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилинадиган карантин остидаги маҳсулотда ўсимликлар карантини объектлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжат”;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Фитосанитария ва реэкспорт фитосанитария сертификатлари (кейинги ўринларда – фитосанитария сертификатлари) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари (кейинги ўринларда – ҳудудий инспекциялар) томонидан берилади”;

2-бобнинг номидаги “Фитосанитар сертификатини” сўзлари “Фитосанитария сертификатларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бобнинг номидаги “фитосанитар сертификатини” сўзлари “фитосанитария сертификатларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-бандда:

биринчи хатбошидаги “ҳужжатларни” сўзи “электрон ҳужжатларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “ариза” сўзи “электрон ариза” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “банк ҳужжати” сўзлари “электрон банк ҳужжати” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“40 кг гача бўлган бир дона жўнатмага (кўл юки) фитосанитария сертификатини олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш фоизи миқдорида;”;

учинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

тўртинчи – олтинчи хатбошилар учинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи – олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“500 кг гача юк ортилган бир транспорт бирлигига фитосанитария сертификати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма фоизи миқдорида;

1000 кг гача юк ортилган бир транспорт бирлигига фитосанитария сертификати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш фоизи миқдорида;

1000 кг дан ортиқ юк ортилган бир транспорт бирлигига фитосанитария сертификати олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида йиғим ундирилади”;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“1000 кг дан ортиқ юк ортилган бир транспорт бирлигига реэкспорт фитосанитария сертификати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида йиғим ундирилади”;

қуйидаги мазмундаги 17¹-банд қўшилсин:

“17¹. 500 кг дан ортиқ юк ортилган бир транспорт бирлигига ички фитосанитария сертификати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизи миқдорида йиғим ундирилади”;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Фитосанитария сертификати махсус рақамланган, ҳимояланган ҳолатда мазкур Низомга 3-иловага, реэкспорт фитосанитария сертификати 3а-иловага ва ички фитосанитария сертификати 3б-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилади”;

4-бобнинг номидаги “Фитосанитар сертификатини” сўзлари “Фитосанитария сертификатларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бобнинг номидаги “Фитосанитар сертификатининг” сўзлари “Фитосанитария сертификатларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги 3б-илова қўшилсин:

“Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар
учун фитосанитар сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
36-илова



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASI ҲУЗУРИДАГИ
ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ**



0000000 – СОНЛИ ИЧКИ ФИТОСАНИТАРИЯ СЕРТИФИКАТИ

Юридик ёки жисмоний шахс номи ва манзили: _____
Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси

СТИР: _____

Карантин остидаги маҳсулот номи ва миқдори: _____

Маҳсулот етиштирилган жой: _____

Ушбу карантин остидаги маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги 2018 йил 9 июлдаги ЎРҚ-484-сон Қонунининг 6-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги 65-сон қарорига асосан карантин назоратидан ўтказилди ҳамда ўсимликлар карантини объектларидан холи эканлиги аниқланди.

ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ:
(фумигация қилиш)

Зарарсизлантириш далолатномаси №: _____ Берилган санаси: _____



Қўшимча маълумотлар: _____

Давлат инспектори: _____ Имзоси: _____ Берилган вақти: _____

QR Code

”

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 31 январдаги 68-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 1-сон, 25-модда) 1-илова 9-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари (кейинги ўринларда – ҳудудий инспекциялар);”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2010 й., 14-15-сон, 106-модда) билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларининг 29-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ 29.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини инспекцияси	Ўсимликлар давлат	Қуйидагилардан:	80
			уруғликлар, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари импортига карантин рухсатномаларини расмийлаштиришдан	
			уруғлик, ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотлари бўлган юкларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитига карантин рухсатномаларини расмийлаштиришдан	
			уруғликлар, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари экспортига фитосанитария сертификатларини ва (ёки) карантин остидаги ўсимлик маҳсулотларига реэкспорт фитосанитария сертификатларини расмийлаштиришдан	
			республика ҳудуди ичида карантин юкларига фитосанитария сертификатини расмийлаштириш ва беришдан	
			ҳар бир транспорт бирлигига кўздан кечириш далолатномаси, очиб кўриш ва ҳужжатларни расмийлаштириш тўғрисидаги далолатномани беришдан	
			ўсимликлар карантини соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ундириладиган жарималардан	
			карантин остидаги экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотни зарарсизлантириш бўйича фитосанитар ишлов бериш ишларини бажаришдан тушган даромадлар	
карантин остидаги маҳсулотларнинг намуналарини лаборатория экспертизасини ўтказиш хизматлари				

